

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил 7 июнь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья А.Камоловнинг раислигида, ҳайъат судьялари: М.Тургунова ва К.Мирсафаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Раджабовнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акилов, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Давлатовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2022 йил 29 апрель кунидаги ХХХга нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчи ХХХнинг ҳимоячиси – адвокат У.Давлатов томонидан келтирилган апелляция шикоятини 1-1004-2201/236-сонли жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2022 йил 29 апрель кунидаги ҳукмига кўра,

_____), _____ йилда _____ вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, _____ истиқомат қилувчи, мазкур иш бўйича 12.02.2022 йилдан қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, шу модда билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ, жазо муддатини 2022 йил 12 февралдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган. Ашёвий далил сифатида олинган, “ARNAT MEDIA ART” МЧЖда сақланаётган 24 дона “Тропикамид 10мл”, 81 дона “Регапен 300мг”, 93 дона “Зардекс 300мл” ва 22 дона “Селюфен 10мг” номли дори воситалари тегишли тартибда йўқ қилиниши кўрсатилган.

Суднинг ҳукмига кўра, ХХХ “ХХХ” МЧЖ таъсисчиси бўла туриб, дорихонада норасмий равишда сотувчиси бўлиб ишлаб келиб, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини кўп миқдорда бузиш ва кўп миқдорда психотроп моддалар



ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга ҳилоф равишда келгусида ўтказиш мақсадида сақлаганлиги аниқланган.

2021 йил 8 ноябрь соат 14:45да Юнусобод тумани, [REDACTED] жойлашган “ХХХ” МЧЖга қарашли дорихонада ўтказилган текширувда, ХХХ билан қисми алоҳида иш юритувга ажратилган бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб хорижда ишлаб чиқарилган 1 дона “Тропикамид 10мл” дори воситасини 100.000 сўмдан, 2 дона “Селофен 10мг”ни ҳар бир донасини 25.000 сўмдан ва 1 дона “Зардекс 300мг”ни 20.000 сўмдан жами 170.000 сўмга “Махсус харидор А.С.Б.”га сотган вақтда ашёвий далиллар билан ушланиб, дорихонадан сотиш учун мўлжалланган, тегишли кирим ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 23 дона “Тропикамид 10мл”, 80 дона “REGAPEN 300 mg Capsul Pregabalin”, 92 дона “Зардекс 300мг” ва 20 дона “Селофен 10мг” дори воситалари мавжудлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинган.

Адвокат У.Давлатов апелляция шикоятда, иш айблов йўналишида бир томонлама қўрилганлиги, ХХХнинг айби исботланмаганлиги ҳақида вазлар келтириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди мажлисида сўроқ қилинган судланувчи ХХХ биринчи босқич судида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни у 2021 йил 17 июль куни “ХХХ” МЧЖни ташкил этганини, лекин иш фаолиятини ташкиллаштира олмаганлиги туфайли октябрь ойларида ижарага олган дорихонани топшириб, Жиззах вилоятига уйига кетганини, ноябрь ойи бошларида бухгалтерия ишларига ёрдам бериб турган ХХХга қўнғироқ қилиб, жамиятини тугатмоқчилигини айтганида, ХХХ ҳозирда жамиятни бошқа шахс юритаётганлигини айтиб, тугатиш учун Тошкентга чақиртирганини, у Тошкентга келганида, ХХХ унга жамиятни тугатиш учун 2-3 кун вақт керак бўлишини айтиб, ХХХнинг дорихонасида, яъни “ХХХ” МЧЖда яшаб туриши мумкинлигини айтганлиги учун у Юнусобод тумани, [REDACTED]

[REDACTED] жойлашган дорихонада ХХХ билан танишиб, яшаб юрганини, 8 ноябрь куни тушлик вақтида ХХХ унга дорихонага қараб туришини айтиб, ташқарига чиқиб кетганидан сўнг дорихонага бир шахс кириб, ўзининг телефонидан ХХХга қўнғироқ қилиб гаплаштирганида, ХХХ унга у сўраган дори воситаларини бериб юборишини айтиб, дорилар турган жойни тушунтирганлиги учун у харидорга сўраган дориларини қутида бўлганлиги учун қарамасдан олиб берганини, харидор унга 170.000 сўм берганини, шунда пулларни олиб, кассага солганидан кейин уни ушлашганини, суриштирув ва терговда ҳам қоробкадаги нарсани берганини айтганини, дорихона раҳбари ХХХХХХнинг укаси, ҳисобчи ХХХ ҳам ХХХнинг қариндоши эканини, у корхонага таъсисчи бўлмаганини айтиб кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суди мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ ХХХ биринчи босқич судида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни у судланувчи ХХХни 2021 йил сентябрь ойидан буён



танишини, дорихонада ХХХ шахсан ўзи бўлиб, ундан ва бошқа дорихоналардан ҳам “Тропикамид” дори воситасини олиб турганини, чунки шу дорига банги бўлиб қолганини, тадбир куни у ХХХ билан телефонда гаплашмаганини ва махсус харидорга коробкадаги нарсаларни беришни айтмаганини, махсус харидор билан умуман гаплашмаганини, ўша куни ХХХ билан юзма-юз гаплашиб, ўзи учун “Тропикамид” дорисини сотиб олиб кетганини, лекин нечта харид қилганлиги эсида йўқлигини, “ХХХ” МЧЖ ХХХга тегишли эканини, у ХХХни илтимосига кўра ушбу дорихонага ўша бинони ижарага олиш масаласида жойнинг эгаси билан у гаплашиб, шартномага имзо қўйганини, ХХХунинг укаси эканини ва дорихонага алоқаси йўқлигини, у бир йилдан бери киракашлик билан шуғулланиб, ушбу дорихонага алоқаси йўқлигини, ўзи томонидан ишлатилган телефон рақамини ҳозир эслай олмаслигини, охири 88 ёки 98 билан тугалланишини, укаси М.Рашидовнинг телефон рақами эса охири 26-26 билан тугалланишини, ушбу рақам билан у фойдаланмаганини, ХХХ бўласи, яъни холасининг ўғли эканини айтиб кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати судья К.Мирсафаевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акиловнинг ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Давлатовнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни текшириб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, суд ҳукмини қуйидагиларга асосан ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланувчи ХХХнинг жиноят содир этишдаги айби, гарчи биринчи босқич суди жараёнида ХХХ умуман иқрор бўлмасдан кўрсатувлар берган бўлсада, ХХХ махсус харидорга тақиқланган дори воситаларини ҳақиқатдан ҳам сотганлиги ҳолати билан, ўзи томонидан тергов жараёнида айбини исботловчи кўрсатмалари, иш бўйича сўроқ қилинган ХХХ, ХХХ, ХХХларнинг кўрсатмалари, тезкор тадбир жараёнида тўпланган ҳужжатлар, яъни ариза юзасидан ўтказилган тезкор тадбир баённомаси, тадбир учун пул маблағларини тақдим қилиш ва харидор сифатида жалб қилиш баённомаси, дорихонани кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси, далилий ашёларни олиб қўйиш баённомаси, шахсни фотосуратидан таниб олиш баённомаси, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари, экспертиза хулосаси ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Апелляция инстанцияси, судланувчининг у кучли таъсир қилувчи



дори воситаларни сотаётганлигини билмаганлиги ва сотиш нияти бўлмаганлиги, қутуда нима бўлганлигини билмаганлиги, суриштирув жараёнида руҳий тазйиқ остида кўрсатма берганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, уларни ишонарсиз бўлганлиги учун асоссиз деб топиб, жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида келтирилган важлар деб баҳолаб, юқорида келтирилган далиллар билан тўлиқ рад этилади деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, апелляция инстанцияси судланувчи ХХХнинг кўрсатмалари ва шикоятларда келтирилган важларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари асосида баҳо берар экан, биринчи босқич суди ва апелляция инстанцияси суд мажлисларида аниқланган ҳолатларни ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, гарчи судланувчи суриштирув ва терговда берган кўрсатмаларини тасдиқламаса ҳам, ХХХ тергов жараёнида адвокатнинг иштирокида айбига тўлиқ иқрор бўлган ҳолда суриштирув жараёнида берган кўрсатмаларини ўзгартириб, руҳий босим остида, яъни сўкиниб, тезлаштириб имзо қўйиш сўралганлиги учун компьютердан чиқарилган тушунтириш хатини ўқимасдан имзолаганини баён қилиб, фақатгина ХХХга қарши берган кўрсатувларини инкор қилиб, ўша вақтда “Жўрабек” айтгани учун махсус харидорга биринчи марта дори воситаларини сотганлигини тан олишини билдириб, суд жараёнида эса умуман мантиққа тўғри келмайдиган, гўёки коробка ичида тайёрлаб қўйилган дори воситаларини ичини қарамасдан сотганлиги ҳақидаги кўрсатувлари жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ҳам инкор қилиниши ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаслиги сабабли судни чалғитиб, жазо муқаррарлиги ва жавобгарликдан қутулиб, қисматини енгиллаштириш мақсадида берилган деб ҳисоблайди ва уларга танқидий баҳо беради.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси, судланувчи ХХХнинг унга нисбатан руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлар ХХХни ушлангандан сўнг 08.11.2021 йил соат 19:40 да тиббий кўрикдан ўтказиш маълумотномасига кўра, “амалий соғлом” бўлганлиги ҳақидаги ташхиси, озодликка чиқарилгандан сўнг эса нафақат суриштирув органининг ҳаракатлари устидан ҳеч қаерга мурожаат қилмаган, балки тергов жараёнида ҳам ихтиёрий равишда кўрсатувларини биров ўзгартирган ҳолатига баҳо бериб, тезкор тадбир жараёнида тўпланган объектив далиллар ва холисларнинг тушунтиришлари билан солиштирганда ХХХга нисбатан босим ўтказилган ҳолати ўз тасдиғини топмаган деган хулосага келади, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹-моддасига асосан суриштирув жараёнида олинган тушунтириш хатларини мақбул эмас далил деб топиш учун асослар ҳам йўқлигини, судланувчи ХХХнинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилишда суриштирув давомида



унинг берган тушунтириш хатларини инобатга олмасдан ҳам, фақатгина тергов жараёнида адвокати иштирокида ҳамда суд давомида берган кўрсатмалари асосида ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун далиллар етарли деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятдаги “ХХХ” МЧЖга қарашли дўконда тадбир ўтказилиши белгиланган бўлсада, ушбу аптека қайси фирмага тегишлилиги аниқланмаганлиги ҳақидаги вожини муҳокама қилиб, мазкур ҳолатда иш бўйича “махсус харидор”дан тушган аризага асосан тезкор тадбир амалга оширилиб, аризада кўрсатилгани бўйича “ХХХ” МЧЖга тегишли дўкон деб эътироф этилиб, аслида ҳолат бўйича жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланганлиги, яъни жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлганлиги сабабли суриштирув органи ўз ваколатлари доирасида асосли равишда жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиб, прокурор розилигини олган.

Ушбу ҳолатда, мазкур жиноят иши бўйича аслида жисмоний шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, тадбиркорлик субъектининг фаолияти текширилмаган ва молиявий фаолияти ўрганилмаган, шу сабабли ушбу дорихона қайси корхонага тегишли эканлиги иш учун аҳамиятли эмас.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятдаги ХХХ билан тил бириктирганлиги кўрсатилган бўлсада, лекин бу шахс тўғрисида маълумот йўқлиги сабабли бу шахсни ва терговчини сўроқ қилишни сўраган илтимосномасини муҳокама қилиб, аслида ХХХ тўғрисида маълумот нафақат жиноят иши ҳужжатларида мавжуд, балки ушбу шахс тергов, биринчи босқич судида ва апелляция инстанциясида ҳам гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганлигини, терговчини эса сўроқ қилин зарурати йўқлигини инобатга олиб, ушбу важлар ҳам асоссиз келтирган деб ҳисоблайди.

Апелляция инстанцияси, адвокатнинг дорихона раҳбарини сўроқ қилиш лозимлиги, аслида бу жиноятни ХХХ содир қилганлиги ҳолати текширилмаганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, адвокат томонидан техник хатоликка йўл қўйган ҳолда ХХХ эмас, ХХХ назарда тутилган деб ҳисоблаб, адвокатнинг апелляция инстанцияси суди жараёнида мазкур ҳолат аниқлангандан сўнг жиноят ишининг унга тегишли қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416 ва 417-моддаси тартибида қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориш учун прокурорга юбориш юзасидан келтирилган илтимосномаси билан бирга муҳокама қилиб, тергов органи томонидан жиноят ишининг унга тегишли қисми алоҳида иш юритувга ажратилганини ва ушбу ҳолатларнинг текширилиши ХХХнинг айбилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилишга таъсир этмаслигини эътиборга олиб, қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятдаги махсус харидорнинг аризаси ва тушунтириш хати ҳақиқий ҳолатга мос келмаслиги ҳақидаги



важлари билан ҳам келишмайди, чунки иш бўйича барча ҳужжатлар унинг аризаси асосида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг нормаларига асосан тузилган бўлиб, уларнинг мақбул эмас деб топишга ҳеч бир асос мавжуд эмас.

Апелляция инстанцияси, шикоятнинг иш ҳужжатларига аудио ва видеотасвирлар илова қилинмаганлиги, махсус харидор сўроқ қилинмаганлиги ҳақидаги важларни муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сонли “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ошкор этилиши лозим. Тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи икки ва ундан ортиқ орган томонидан шунингдек махсус ваколатли давлат органининг куч ва воситалари билан ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақат мазкур органлар раҳбарларининг тасдиқлаган қарори асосида ошкор этилади.”

Ушбу ҳолатда, гарчи жиноят иши ҳужжатларида “Махсус харидор”нинг аризаси ва тушунтириш хати илова қилинган бўлсада, суд томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг розилигисиз ошкор қилиниши қонунга зид эканлигини инобатга олади.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати, гарчи мазкур шахс ошкор қилинмаган ва жиноят иши ҳужжатларида аудио ва видеоёзувлар илова қилинмаган бўлсада, жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талаблари асосида тезкор тадбир жараёни тегишли ваколатли орган ходимлари, холислар ва судланувчиларнинг иштирокида тузилганлигини, ушбу ҳужжатларда баён этилган ҳолатлар ишонарли ва шубҳа уйғотмаганлигини инобатга олади.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди томонидан ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, биринчи босқич суди ХХХга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги



1-сонли Қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда қилмишига яраша адолатли жазо тайинлаган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди ХХХга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаш учун айбини жиддий камайтирувчи ҳолатлар йўқлиги, ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2022 йил 29 апрель кунидаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

А.Камолов

Ҳайъат судьялари:

М.Тургунова

К.Мирсафаев

